



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ЖИНОЯТ ИШИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АҲАМИЯТИ

Кадилова Мохигул Хамитовна

Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси доценти, ю.ф.н.

E-mail: m.kadirova@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7475888>

ARTICLE INFO

Received: 13th December 2022

Accepted: 21th December 2022

Online: 23th December 2022

KEY WORDS

Процессуал тезкорлик, электрон рақамли жиноят иши, рақамли далиллар, рақамли муддатлар.

Замонавий технологиялар шиддат билан кириб келган глобаллашув асрида электрон рақамли жиноят иши, унинг мазмун-моҳияти ва юридик табиатини аниқлашда олимлар ўртасида баҳсли мунозараларни кузатиш мумкин.

Бу борада Ю.Н.Соколовнинг, электрон рақамли жиноят иши – бу қоғоз вариантдаги жиноят ишининг тўлиқ ўрнини босувчи, жиноят иш материалларига оид рақамли ахборотларни сақлашга мўлжалланган, юқори даражадаги хавфсиз ахборот тизимидир¹, деган қарашлари диққатга сазоввор.

Бироқ, Л.В.Головконинг фикри баҳсли, фикрни билдириш учун процессуал методологияни ўзгартириш шарт эмас, бир неча алфавит етарлидир, жиноят предмети рақамли маълумот бўлса ҳам электрон рақамли жиноят иши юритиш

ABSTRACT

Мақолада электрон рақамли жиноят иши тушунчаси, ҳуқуқий моҳияти, процессуал аҳамияти таҳлил этилган. Жиноят процессини рақамлаштириш ва электрон рақамли жиноят ишини юритишга доир таклиф ва тавсиялар илмий асослантирилган.

шарт эмас, амалдаги классик жиноят процесси, яъни одатий кўздан кечириш, тинтув ва олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкин², дейди.

Бизнингча, электрон рақамли жиноят иши – бу электрон рақамли қурилма воситасида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга имкон берувчи, қоғоз вариантыдаги жиноят ишининг тўлиқ ўрнини босувчи, жиноят иш материалларига оид рақамли ахборотларни сақлашга мўлжалланган, юқори даражадаги хавфсиз ақлли рақамли дастурлар тизими ҳисобланади. Унда жиноят ишини шакллантирувчи (жиноят ишини қўзғатишдан бошлаб ҳукмнинг ижросигача бўлган жиноят иши ҳаракати кетма-кетлиги алгоритмидан иборат) ақлли рақамли дастур

¹ Соколов Ю.Н. Допустимость рассмотрения материалов уголовного дела в электронной форме // Информационное право. 2017. -№1. –С. 28-33.

² Головкин Л.В. Цифровизация в уголовном процессе: локальная оптимизация или глобальная революция? Вестник экономической безопасности. 2019;(1):15-25. Кабриак Р. Кодификации / пер. Л.В. Головкин. М., 2007



юклатилган бўлиб, у процессуал ҳужжатлар (масалан, воқеа жойини кўздан кечириш ёки таниб олиш учун кўрсатиш баённомасининг тегишли сатрлари муҳим маълумотлар билан тўлдириладиган) намуналари ва бланкалари, уларга илова қилинган далиллар тўғрисидаги электрон шаклдаги барча маълумотлар (фото, кино, видео ёзувлар ва бошқа дастурий файллар)дан иборат бўлади.

Электрон рақамли жинойт ишининг сақланишида ягона электрон рақамли ахборот ташувчи восита билан чегараланиш мумкин, сабаби унда барча жинойт иш материаллари жамланиши мумкин. Аввало бунинг учун электрон рақамли ахборот ташувчи воситанинг ўзи барча ахборотларнинг сақланишини хавфсиз таъминлаши учун бир қатор муҳим хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- электрон рақамли жинойт ишининг қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида йўқотилишининг олдини олиш мақсадида олов, сув ва турли кислоталарнинг таъсири ва юқори босимга чидамли енгил ва мустаҳкам корпусга эга бўлиши даркор. Сабаби суд амалиётида жинойт ишларининг йўқотилиши натижасида жинойт ва уни содир этган шахсларга оид барча маълумотлар изсиз йўқолишига олиб келади;

- жинойт иш материаллари билан танишиш муддатлари ҳисобга олинмаслиги оқибатида ҳам кўп эпизодли жинойт ишлари юзасидан процессуал муддатларнинг сунъий равишда чўзилиб кетиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида жинойтга доир ахборотларни тез ва қулай усулда олиш, шу жумладан процесс иштирокчиларининг баённома, қарор ва

бошқа ҳужжатлар учун электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёхуд планшет имзоларни олишга мўлжалланган компьютерга ҳеч қандай тўсиқларсиз эркин ва симсиз уланишга имкон берувчи сенсорли дисплейга эга бўлиши;

- электрон рақамли ахборот ташувчи восита ўчирилган маълумотлар ва серверларга кира олиши ҳамда махсус маълумотлар базасида жинойт иш материаллари нусхасини сақлай олиши лозим;

- ҳар қандай хаккерлик ҳужумлари ва оқибатларидан ҳимояни таъминлай оладиган қулай фойдаланиладиган бўлиши зарур. Хусусан, жинойт иши бўйича далил сифатида сақланадиган фото ва видео тасвирларни бошқа рақамли қурилмалардан қабул қила оладиган функцияга ҳамда ушбу барча файлларни сақлай оладиган етарли хотира майдонига эга бўлиши даркор;

- суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари фаолиятида мазкур электрон рақамли жинойт ишининг йўлга қўйилиши учун ҳуқуқий ва технологик тайёргарлик даражаси ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, жинойт процессини рақамлаштириш асосида жинойт процессига рақамли муддатлар, рақамли далиллар каби тушунчалар кириб келди, бироқ уларнинг ҳар бири илмий-назарий ва ҳуқуқий асосланишга муҳтож³.

Бу борада Л.В.Головконинг фикрича, рақамли далилларни янги далил тури сифатида эътироф этиш мумкин, аммо

³ Khamitovna K. M. DIGITAL TERMS IN CRIMINAL PROCESS //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 07. – С. 59-63.



ҳали ҳеч ким унинг тўлиқ моҳиятини очиб бермаган⁴.

М.О.Медведева эса, рақамли далилларнинг алоқадорлиги, мақбуллилиги ва ишончилиги бўйича алоҳида мезонлари бўлиши даркор⁵, дейди.

М.И.Воронин таъкидлаганидек, рақамли далиллар далилларнинг алоҳида мустақил тури ҳисобланади ва ҳеч қандай эътирозларга ўрин йўқ⁶.

Дарҳақиқат, рақамли маълумот ташувчи восита эмас, айнан рақамли маълумот далил бўла олади. Ҳозирда виртуал олам кўпгина содир этилган (гиёҳвандлик ва одам савдосидан тортиб, ўғрилиқкача) жиноятларнинг жойи бўлиб бормоқда. Шунингдек, виртуал оламда эмас, ҳатто реал оламда содир этилаётган (номусга тегиш, талончилик, одам ўлдириш) жиноятларнинг терговиди ҳам рақамли (виртуал) маълумотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада, Н.А.Зигуранинг фикрича, компьютер маълумотлари жиноят процессида далилларнинг янги тури ҳисобланади⁷.

⁴ Головкин Л.В. Цифровизация в уголовном процессе: локальная оптимизация или глобальная революция? Вестник экономической безопасности. 2019;(1):15-25.

⁵ Медведева М.О. Уголовно-процессуальная форма информационных технологий: современное состояние и основные направления развития: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. -М., 2018. - С.12.

⁶ Воронин М.И. Электронные доказательства — самостоятельный вид доказательств // Российская правовая система в условиях четвертой промышленной революции: XVI Междунар. науч.-практ. конф. (Кутафинские чтения): Мат. конф. В 3 ч. Ч. 3. М.: РГ-Пресс, 2019. -С. 129-133.

⁷ Зигура Н.А. Компьютерная информация как вид доказательств в уголовном процессе России: Дисс...канд. юрид.наук. Челябинск, 2010. -С. 25-27.

П.С.Пастухов ҳам, жиноят процессида электрон алоқа ва электрон ҳисоблаш техникаларига асосланган ахборот технологияларининг жорий этилиши унинг маҳсули бўлган электрон рақамли далилларнинг яратилишига сабаб бўлади, деб ёзади⁸.

А.Абдулвалиев эса, жиноят процессини рақамлаштириш айбланувчи ва унинг ҳимоячисини жиноят иш материаллари билан таништиришда ҳам қулайликлар яратади, жумладан уларга ишнинг электрон нусхаси тилхат асосида юборилиб, бу жиноят иши айрим материалларининг йўқ қилиниши ёки иш билан танишишнинг узоқ муддатга чўзилиб кетишининг олдини олади⁹.

Дарҳақиқат, рақамлаштиришнинг устунлиги шубҳасиз, улар жиноят суд-тергов фаолиятига янгича қараш ҳамда мавжуд муаммоларни қайта кўриб чиқишга имкон беради. Бироқ, барча янгилликлар каби “Электрон рақамли жиноят иши”ни жорий этишдан ҳам кўзланган мақсадга эришишда қуйидаги айрим камчиликлар юзага келиши мумкин: биринчидан, электрон рақамли жиноят иши ва электрон маълумотлар базасини зарарли дастурлар, санкцияланмаган кириш ҳамда хаккерлик хужумидан ҳимояланиш тизимини мустаҳкамламай туриб, жорий этиб бўлмайди. Бунинг учун тергов маълумотларини ошкор этмаслик билан боғлиқ жавобгарлик чоралари ҳамда рухсатсиз тизимга

⁸ Пастухов П.С. Использование информационных технологий в российском уголовном судопроизводстве // Вестник экономической безопасности. 2016. -№5. -С. 40-42.

⁹ Абдулвалиев А.Ф. Автоматическое цифровое протоколирование судебного заседания: взгляд в будущее // Вестник криминалистики. 2009. Выпуск 1 (29). С. 145-148.



киришнинг олдини олиш чораларини кўриш даркор.

Қолаверса, барча тергов, суриштирув, прокуратура ва суд тизимида Ягона стандарт (ягона дастурий таъминот)ни шакллантириш зарур. Негаки электрон рақамли жиноят ишини юритишда процесс иштирокчилари ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишига йўл қўйилиши мумкин эмас. Аввало бунинг учун барча фуқаролар компьютер технологияларидан эркин фойдалана олишлари талаб этилади. Буни билмаслик (айниқса ёши улуғлар) электрон мурожаат этмасликка ва ўз навбатида одил судловга бўлган ҳуқуқнинг таъминланмаслигига олиб келади.

Шунингдек, процессни рақамлаштиришда тергов, эксперт, суд ва бошқа органлар ҳужжатларига муҳр босиш масаласининг ҳам ҳал этилиши лозим. Бунинг учун суд-тергов тизимини модернизациялаш, юқори технологиялар билан ишлаш бўйича алоҳида мақсадли дастурлар яратиш мақсадга мувофиқ.

Абдулвалиев А.Ф. фикрича, электрон рақамли жиноят ишидан судда фойдаланиш масаласи долзарблигича қолади, сабаби у электрон рақамли ҳужжатлар ва далиллардан иборат¹⁰. Ҳозирга қадар суд тизимида электрон ҳужжатлар кенг тарқалмаган бўлиб, бу уни тузишнинг мураккаблиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонуний ўрнини топмаганлиги билан изоҳланади.

¹⁰ Абдулвалиев А.Ф. Автоматическое цифровое протоколирование судебного заседания: взгляд в будущее // Вестник криминалистики. 2009. Выпуск 1 (29). С. 145-148.

Пальчикова М.В. фикрига кўра, судлар томонидан электрон ҳужжат шаклидаги даъво аризалари, шикоятларни қабул қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи “Тасдиқловчи марказ”ларни шакллантириш вазифасини ҳал этиш долзарб саналади. Даставвал, судга қадар босқичда “электрон рақамли жиноят иши”ни юритишни жорий этиш, сўнг суд босқичида фойдаланиш фойдадан холи эмас¹¹.

Рақамлаштириш борасидаги ислохотларга разм солсак, 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сон Президент Фармонида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш лозимлиги¹², 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сон қарорида суд ходимлари томонидан сансалорлик, бюрократизм ва суиистеъмолчилик фактларига барҳам бериш назарда тутилганлиги¹³ ҳамда 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-

¹¹ Пальчикова М.В. Новая форма процессуальных документов как следствие информатизации суда // Информационное право, 2009. - № 3. - С. 10-13.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/2037985>

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3327998>



тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон Президент қарори қабул қилиниб, унда 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланган. Дастурда суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, суд иштирокчиларини суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш, суд қарорларини онлайн тарзда тақдим этиш, суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш, судларда ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш каби вазифалар назарда тутилган¹⁴.

Даставвал, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 346-сон қарорига мувофиқ “Е-SUD” миллий электрон судлов ахборот тизими яратилиб, унинг ёрдамида судга мурожаатларни электрон шаклда юбориш, суд иши иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш, судга юборилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳолатини кузатиб бориш, электрон ҳужжат

алмашиш, давлат божи, суд мажлиси жадвали хизматларини кўрсатиш жорий қилинди.

Олий суд Раёсатининг қарорлари билан ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича “Ўзбекистон Республикаси Олий судида интернет тармоғидан фойдаланиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг локал ҳисоблаш тармоғидан ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг корпоратив ҳисоблаш тармоғи тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг корпоратив электрон почтаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий судида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида” Низомлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, ашёвий далиллар бўйича автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимини яратиш орқали эксперт-криминалистик фаолиятни босқичма-босқич рақамлаштирилиб, криминалистик идентификация тизими фаолияти мувофиқлаштирилиши белгиланган.

Мухтасар айтганда, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, суд-тергов фаолиятини рақамлаштириш одил судловни амалга оширишда янги механизмларнинг ҳам пайдо бўлишига сабаб бўлиб, электрон рақамли имзодан

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон қарори 3-банди. <https://lex.uz/docs/4979896>



фойдаланиш ва электрон рақамли
хужжатларни расмийлаштириш
келгусида процессуал муддатларга
қатъий риоя қилинишига олиб келади.
Жиноят процессини босқичма-босқич
рақамлаштириш, электрон рақамли

жиноят ишини жорий этиш процессуал
тезкорлик ва тежамкорликка ва
асосийси жиноят процессида шахс ҳуқуқ
ва эркинликлари, қонуний манфаатлари
ўз вақтида таъминланишига хизмат
қилади.